

*Ислом КАРИМОВ*

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ –  
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ  
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ  
СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ**

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ  
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

*2013 йил 17 апрель*

---

**СОВРЕМЕННОЕ ЖИЛИЩНОЕ  
СТРОИТЕЛЬСТВО КАК ЛОКОМОТИВ  
КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ  
И ПРЕОБРАЗОВАНИЯ СЕЛА, УЛУЧШЕНИЯ  
КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ**

**ВЫСТУПЛЕНИЕ  
НА ОТКРЫТИИ МЕЖДУНАРОДНОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ**

*17 апреля 2013 года*

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2013

323(575.1) - Внутр. полит. Узб-148  
728.1 - Республиканское собрание.  
УЎК: 323:69(Ўзбекистон 575.1)  
КБК 66.3(5У) - *Мил сўсат*  
38.711(5У)  
К 25 - *40 таб кўрилган*

HD 41284  
Og,

2013/91 A 6828	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--

ISBN 978-9943-01-959-1

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2013

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ –  
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ  
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ  
СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ**



Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларни – бугунги конференциянинг барча қатнашчиларини кутлаш, ушбу форумда иштирок этаётганингиз учун ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги конференция учун танланган қишлоқда уй-жой қурилишининг роли ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланаётганига қарамасдан, бу маблағлар якуний истеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқишда жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чиқарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даражаси ниҳоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар ноль кийматигача тушиб кетаётганига эса ишониш қийин.

Мухтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иқтисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмаяпти.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма – комму-

нал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири – аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган йўналишга айланмоқда.

Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфраструктура соҳасини таракқиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930-йиллардаги инкироз даврида АҚШда Президент Рузвельт яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислоҳот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Ҳурматли конференция катнашчилари!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модель – кишлокда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим

соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўпланиб қолгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчалик авж олган эди.

Бу аслида нимани англатар эди?

Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш саноати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари – хом ғиштдан қурилар, хоналарига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида асосан асбест шиферлардан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги қурилган уй эгаларининг тиббиёт муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, бозорлар, ховлисига олиб борадиган йўл,

яъни оиланинг кулай шароитда яшаши учун зарур бўлган инфратузилма билан таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан **ҳозирги кунда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш бўйича узок йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш вақти келгани, бунинг ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири – уй-жой қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив

базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислох этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонуни, бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳукуки мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳукуки билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларда уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари,

қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-хунар коллежларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ўзингизга бир тасаввур қилинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратишни истардим. Қишлоқда яшайдиган одам уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз

маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узок муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича – биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шarti билан – 7 фоиз миқдоридаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз миқдорида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш «**Қишлоқ қурилиш лойиҳа**» ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялашни шу мақсадда ташкил этилган «**Қишлоқ қурилиш банк**» акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар миқдоридаги маблаққа тенгдир.

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма

объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар **«Қишлоқ қурилиш инвест»** ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларда уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёсатни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинди. **Кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.**

**«Қишлоқ қурилиш банк»** кредитлари ҳисобидан яқка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устама

фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой қуришда иштирок этаётган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир квадрат метри шаҳардаги уй-жой қийматидан бугунги кунда ўртача 2 баробар пастдир.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009–2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳоли-сини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларда уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитларга эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.

**Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз кифоаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани бекиёс аҳамиятга эгадир.**

Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан ҳақиқатан ҳам фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу маблағнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда кўрсатаётган қимматли ёрдами учун чуқур миннатдорлигимизни изҳор этмоқчиман.

Ўрматли конференция катнашчилари!


Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кишлок жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиланишлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналишлари, туб ўзгаришларни тадрижий, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустаҳкам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизида миллий иқтисодиётимиз барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси муттасил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юксалмоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада аниқ рақамларни келтирмоқчиман.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қармасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги санокли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етарлилиги таъминланмоқда.



Ташқи қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиғи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилдагига нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошди ва сўнгги йилларда ўртача камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрардим – ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан кўпроғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80

фоизга яқини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капитали 15 миллиард долларга етди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демократик ва иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуман кун тартибига киритилган масалаларни тўлиқ муҳокама этиш, ушбу серкирра муаммонинг барча жиҳатини қамраб олиш имкони йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Қишлоқда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиямизни шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борада тўпланган қимматли тажрибани эътиборга олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшитиш биз учун жуда фойдали ва муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, чет эл банклари ва компаниялари,

олимлар ҳамда экспертлар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш — кишлоқларимиз кифасини тубдан ўзгартириш, кишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Мухтарам меҳмонлар ва халқаро конференция иштирокчилари, сизларнинг тимсолингизда, биз, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида эришилаётган ютуқлардан чин дилдан манфаатдор бўлган инсонларни кўриб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Конференциянинг барча қатнашчиларига анжуман иши самарали бўлишини, азиз меҳмонларимизнинг саховатли ўзбек заминига ташрифи мазмунли ўтишини ҳамда барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**СОВРЕМЕННОЕ ЖИЛИЩНОЕ  
СТРОИТЕЛЬСТВО КАК ЛОКОМОТИВ  
КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ  
И ПРЕОБРАЗОВАНИЯ СЕЛА, УЛУЧШЕНИЯ  
КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ**



Уважаемые участники конференции, дамы и господа!

Мне доставляет огромное удовольствие приветствовать вас, наших дорогих гостей, представителей авторитетных международных организаций и финансовых институтов – Организации Объединенных Наций, Международного валютного фонда, Всемирного банка, Азиатского банка развития, Исламского банка развития, АСЕАН, ЮНЕСКО и других структур, руководителей крупных компаний и ведущих специалистов в области жилищного строительства – всех участников сегодняшней конференции, выразить всем вам свое самое глубокое уважение и высказать слова искренней признательности за участие в работе настоящего форума.

Сегодня, очевидно, нет необходимости говорить об актуальности темы конференции о роли жилищного строительства на селе, если учесть ту огромную значимость, которую приобретает эта сфера не только для решения острых социальных проблем, но и как важнейший фактор, обуславливающий сбалансированность и устойчивые темпы роста многих, связанных со строительством, отраслей и в целом экономики страны.

Не случайно в экономически развитых странах в структуре инвестиций на долю жилищного строительства, по данным экспертных центров, приходится от 20 до 40 процентов общего объема инвестиционных вложений.

Жилищное строительство и развитие связанных с ним отраслей экономики сегодня являются одним из важных звеньев формирования и устойчивого развития финансовой системы, источником надежной ресурсной базы и активов банков.

В современных условиях продолжающегося мирового финансово-экономического кризиса это обстоятельство приобретает особое значение.

Не секрет, что одним из серьезных препятствий для выхода из глобального финансово-экономического кризиса при достаточной степени обеспеченности кредитными средствами является то, что эти средства не доходят до конечного потребителя – реального сектора экономики, несмотря на то, что уровень процентных ставок в странах-эмитентах основных резервных валют чрезвычайно низок. Трудно поверить, но в отдельных случаях эти ставки доходят до нулевых значений.

Говоря коротко, достаточность объема кредитных ресурсов не становится, к сожалению, импульсом и стимулом для оживления экономики в силу многих обстоятельств, и в первую очередь – нерешенности тех серьезных проблем, которые привели к глобальному финансовому и экономическому кризису 2008 года.

В этих условиях жилищное строительство и сопутствующая ему инфраструктура – коммунальный и социальный сектор, транспортные и коммуникационные сети, производство современных строительных материалов и конструкций – становятся тем направлением, **которое может и должно служить** в качестве одной из самых восприимчивых и эффективных сфер приложения капитала и инвестиций, а также решения одной из сложнейших и болезненных социальных проблем – занятости населения.

Исторический опыт многих стран подтверждает тот факт, что выбор сферы жилищного строительства и инфраструктуры в качестве приоритетов развития явился ключевым инструментом восстановления национальной экономики.

Так, в период Великой депрессии 1930-х годов в США Президент Рузвельт реализовал систему кредитования индивидуального жилищного строительства, что сыграло решающую роль в возобновлении экономического роста.

Аналогичные программы в свое время в целях стимулирования и восстановления экономики были приняты в Германии, Великобритании, странах Скандинавии и других.

Уважаемые участники конференции!

Прежде чем перейти к изложению сути и содержания осуществляемой в Узбекистане модели – программы комплексного жилищного строительства на селе, позвольте очень коротко остановиться на проблемных вопросах, реальном положении дел, кото-

рое сложилось до недавнего времени в этой важнейшей сфере экономического, социального развития и модернизации страны.

Главная особенность, которая характеризовала эту сферу, – это практически ее неуправляемость, иначе говоря, процветал самострой.

Что это означало на деле?

На селе дома строились без генеральных планов застройки населенных пунктов, не было четко разработанных типовых проектов жилья, учитывающих специфические природные и климатические особенности, национальные традиции узбекской семьи.

Сельский житель – он же заказчик, он же застройщик, исходя из своих ограниченных возможностей, а также постоянного дефицита строительных материалов, учитывая практическое отсутствие на селе развитой стройиндустрии, был предоставлен самому себе, иначе говоря, жилые дома строились из подручных стройматериалов, – как правило, кирпича из глины-сырца, без деревянных полов, в качестве кровли использовался в основном асбестовый шифер.

В жилых домах, построенных без генерального плана, возникали серьезные проблемы в части обеспечения коммунальных удобств, подключения к водопроводу, электричеству и газу.

Это не говоря уже о возникающих проблемах владельцев вновь построенного жилья с обеспечением медицинскими учреждениями, школами, детскими садами, магазинами, рынками, подъездными путями – всей инфраструктурой, которая необходима

для создания нормальных условий и комфорта для проживания семьи.

Если учесть, что в настоящее время в сельской местности Узбекистана проживает около 50 процентов населения, т.е. около 15 миллионов человек, нетрудно себе представить масштабы и объемы тех непростых задач, которые нам приходится решать сегодня в этой сфере.

Необходимо при этом учесть, что в Узбекистане ежегодно только на селе создается более 150 тысяч семей, а всего за годы нашего независимого развития в сельской местности создано свыше 2 миллионов 600 тысяч молодых новых семей, которые испытывают потребность в собственном жилье. В этой связи сегодня становится все более очевидной **выдвигаемая самой жизнью задача кардинального пересмотра сложившихся за долгие годы подходов, методов и практики индивидуального жилищного строительства в сельской местности.**

В чем же заключаются принципиальные особенности, актуальность и востребованность реализуемой сегодня в Узбекистане Программы индивидуального строительства по типовым проектам жилья в сельской местности?

Один из принципиальных вопросов, которые необходимо было в первую очередь решать, – это коренной пересмотр и реформирование законодательной, правовой и нормативной базы жилищного строительства.

Базируясь на гарантированном Конституцией Республики Узбекистан принципе неприкосновенно-

сти частной собственности, в принятых Жилищном и Градостроительном кодексах и Законе Республики Узбекистан «Об ипотеке» и других законодательных и нормативных актах мы закрепили право собственника на бессрочное владение и наследование жилого дома вместе с земельным участком, на котором он построен.

Особо хотел бы отметить, что сельским жителям земельные участки для индивидуального жилищного строительства выделяются бесплатно на правах пожизненно наследуемого владения, из расчета 0,06 гектара на одну семью, что в условиях наших ограниченных земельных ресурсов имеет исключительно важное значение.

В соответствии с утвержденными нормативными актами застройка жилых массивов в сельской местности ведется на основе разработанных и одобренных застройщиками типовых проектов одновременно в комплексе с возведением объектов инженерно-коммуникационной, социальной и рыночной инфраструктуры. Обязательным условием является прокладка автомобильных дорог, внутренних коммуникационных сетей – водо-, газо- и энергоснабжения за счет республиканского и местных бюджетов.

С учетом численности населения, которое будет проживать на новых жилых массивах, строятся по типовым проектам школы, детские сады, сельские врачебные пункты, торговые объекты и спортивные сооружения.

Особого внимания при застройке жилых комплексов, наряду с инженерно-коммуникационной инфра-

структурой, заслуживают вопросы организации и внедрения в сельской местности новых видов сервиса и электронных услуг.

Что я хотел бы этим сказать?

Речь идет о том, что вместе со строительством новых современных домов в сельский дом, в сельскую семью входят самые современные компьютеры, информационно-коммуникационные технологии, современные системы телекоммуникаций, Интернет.

Главное – подобные, практически новые для сельского населения виды услуг не только удовлетворяют потребности людей, но в то же время обеспечивают работой десятки тысяч юношей и девушек, получивших современные знания и профессии в сельских профессиональных колледжах.

Можете себе представить, что это значит для наших детей, для подрастающего поколения? Словами передать это невозможно.

Хочу обратить внимание на механизм кредитования индивидуального жилья. Сельский житель, выбрав типовой проект дома, вносит в банк собственные средства в качестве первоначального взноса в размере 25 процентов от стоимости дома с предоставлением льготного ипотечного кредита на выгодных условиях – сроком на 15 лет с годовым периодом отсрочки погашения долга, по льготной процентной ставке в размере 7 процентов, что значительно ниже ставки рефинансирования Центрального банка, установленной на уровне 12 процентов годовых.

Для осуществления всего комплекса работ по строительству индивидуального жилья в сельской местности создана целостная институциональная структура.

Проектирование типовых жилых домов, разработка плана комплексной застройки жилых массивов со строительством объектов социальной и инженерно-коммуникационной инфраструктуры возложены на специализированный проектно-изыскательский институт «Кишлоккурилишлойиха». Он же осуществляет авторский надзор за проведением строительных работ.

Кредитное финансирование строительства индивидуального жилья по типовым проектам осуществляет специально созданный для этого акционерно-коммерческий банк «Кишлок курилиш банк», уставной фонд которого на сегодняшний день достиг в эквиваленте около 130 миллионов долларов.

За период существования банка – 4 года им выдано 23,6 тысячи сельских застройщиков ипотечных кредитов на сумму свыше 677 миллионов долларов в эквиваленте.

Банк кредитует не только население, но и строительные организации, возводящие жилье и объекты производственной и социальной инфраструктуры на селе, а также производственные предприятия, выпускающие новые современные материалы и конструкции, используемые в сельском строительстве.

В реализации программ строительства индивидуального жилья в сельской местности активное участие

принимают и другие банки страны – Национальный банк внешнеэкономической деятельности и АКИБ «Ипотека банк».

Всю работу по возведению жилья по типовым проектам на условиях «под ключ» осуществляет специализированная инжиниринговая компания **«Кишлок курилиш инвест»** с филиалами в каждом регионе страны, которая выступает в роли единственного заказчика и обеспечивает реализацию единой политики по качественной застройке жилых массивов в сельской местности.

Одновременно в регионах страны создано более 900 новых специализированных подрядных строительных организаций, в которых сегодня занято около 20 тысяч строителей, а также более 60 предприятий по производству современных строительных материалов и конструкций, деревянных полов, оконных переплетов, кровельных материалов и т.д. **Для них создана широкая система льгот и преференций.**

Сельские жители – застройщики жилых домов за счет кредитов **«Кишлок курилиш банка»** освобождены от уплаты налогов по доходам, направляемым на погашение ипотечных кредитов и начисленных на них процентов. Кроме того, они освобождены от уплаты налога на имущество с приобретенного жилья до полного погашения ими ипотечного кредита.

Инжиниринговая компания **«Кишлок курилиш инвест»**, подрядные организации и специализированные предприятия по производству строительных материалов, участвующие в строительстве жилья в

сельской местности, освобождены от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды, а также таможенных платежей за ввозимые строительную технику и средства малой механизации.

В результате это позволило значительно снизить для сельских жителей стоимость возводимого жилья, один квадратный метр которого сегодня обходится в среднем в 2 раза ниже стоимости жилья в городах.

Хочу обратить ваше внимание – только в результате реализации специальных программ по жилищному строительству по типовым проектам в сельской местности в 2009–2012 годах в 159 сельских районах страны создано 650 новых сельских жилых массивов, введено свыше 23,6 тысячи индивидуальных жилых домов общей площадью 3,2 миллиона квадратных метров. На эти цели направлено в эквиваленте свыше 1,2 миллиарда долларов инвестиций. Построены 732 километра асфальтированных автомобильных дорог, более тысячи объектов социальной и рыночной инфраструктуры.

Обеспеченность сельского населения страны чистой питьевой водой по централизованным сетям в настоящее время составляет 75,8 процента, а природным газом – 76,2 процента.

Масштабное строительство жилья на селе в растущих объемах предусмотрено осуществить и в текущем году. Уже начаты и активно ведутся строительные работы на территории 353 сельских массивов, где предусмотрено построить по типовым

проектам 10 тысяч комфортабельных жилых домов площадью 1,4 миллиона квадратных метров, что на 17,5 процента больше, чем в прошлом году, ввести свыше 300 километров водопроводных сетей и более 280 километров электросетей, проложить около 240 километров подъездных автомобильных дорог, создать широкую сеть социальной и рыночной инфраструктуры. На эти цели в общей сложности в 2013 году будет направлено около одного миллиарда долларов инвестиций.

С увеличением объемов сельского строительства на селе создаются современная строительная индустрия, новые рабочие места, обеспечивается занятость населения, устойчиво растут его доходы и благосостояние.

**Для нас особо ценным является сам факт того, что на новой основе создается класс собственников, на наших глазах кардинально преобразуется облик села, растет культура людей, меняется образ жизни, мышление и менталитет граждан страны.**

Предметом нашей гордости по праву является растущее в новых современных условиях новое поколение, новая генерация гармонично развитых, образованных, самостоятельно мыслящих детей, лишенных всех предрассудков прошлого, уверенных в своем будущем.

Таким поколением действительно можно гордиться и строить с ним самые смелые планы.

С особым удовлетворением хотел бы отметить, что в реализации программ индивидуального жилищного

строительства в сельской местности активное участие принимают авторитетные международные финансовые институты и организации, такие как Азиатский банк развития и Исламский банк развития, Всемирный банк и другие. Советом директоров Азиатского банка развития в 2011 году была одобрена Программа многотраншевого финансирования проекта «Развитие жилищного строительства в сельской местности в Узбекистане» на общую сумму 500 миллионов долларов США, из которых в 2012 году выделено в рамках первого транша 160 миллионов долларов, а в текущем году будет предоставлен второй транш займа на сумму до 200 миллионов долларов.

Пользуясь предоставленной возможностью, хотел бы с этой высокой трибуны выразить слова глубокой признательности руководству Азиатского банка развития и других международных структур за неоценимую поддержку, оказываемую в реализации этой стратегически важной для нас задачи.

Уважаемые участники конференции!

Дамы и господа!

Разработанная в Узбекистане Программа индивидуального жилищного строительства в сельской местности и наше представление о ней были бы не полными, если бы мы рассматривали ее в отрыве от тех грандиозных процессов демократических преобразований и обновления, которые происходят в нашей стране.

Сегодня можно с полной уверенностью заявить, что динамичное продвижение Узбекистана по избранному

нами пути формирования социально ориентированного демократического государства, глубоко продуманные и последовательно реализуемые приоритеты политических, экономических и социальных реформ, выбор эволюционной, поэтапной стратегии преобразований создали тот прочный и надежный фундамент, на котором базируется устойчивое и динамичное развитие национальной экономики, обеспечивается последовательный рост доходов и уровня жизни населения, растет международный авторитет страны.

Приведу конкретные цифры.

Несмотря на глобальный финансово-экономический кризис, экономика Узбекистана в числе немногих стран в мире достигает устойчиво высоких темпов роста. Только за последние 6 лет годовые темпы роста ВВП страны составили более 8 процентов, обеспечиваются стабильный профицит Государственного бюджета, достаточные золото-валютные резервы, остается низким внешний долг, который не превышает 12 процентов к ВВП.

Характерной особенностью Государственного бюджета продолжает оставаться его социальная направленность. Около 60 процентов всех государственных расходов направляется на финансирование сферы социального развития, в том числе свыше 34 процентов – на образование, более 15 процентов – сферу здравоохранения.

Надежно и устойчиво функционирует финансово-банковская система. Сегодня уровень достаточности капитала банков составляет 24 процента, что в 3 раза

выше общепринятых международных стандартов, а ликвидность банковской системы по итогам 2012 года более чем в 2 раза выше требуемого минимального уровня.

Ежегодно реализуются сотни крупных инвестиционных проектов по созданию новых современных производств, модернизации и технологическому обновлению действующих предприятий.

По сравнению с 2000 годом ежегодный объем инвестиций вырос в стране в 4 раза и в последние годы составляет в среднем не менее 12 миллиардов долларов, из которых почти 78 процентов, прошу обратить на это внимание, финансируются за счет внутренних источников, в том числе 21 процент совокупного объема инвестиций формируют вклады населения.

При этом в 2012 году более 22 процентов всех инвестиций, или свыше 2,5 миллиарда долларов, составили иностранные инвестиции, из которых около 80 процентов – прямые иностранные инвестиции, что свидетельствует о возрастающем доверии зарубежных инвесторов к Узбекистану, к условиям, созданным здесь для ведения бизнеса.

Объемы сбережений населения в банках в истекшем 2012 году выросли на 35 процентов, а против 2000 года они возросли в 60 раз.

Создан Фонд реконструкции и развития Республики Узбекистан, капитал которого в настоящее время достиг 15 миллиардов долларов.

Все это – еще одно подтверждение уверенного продвижения Узбекистана на пути к поставленной

нами перед собой цели – войти в число современных демократически и экономически развитых стран, обеспечить своему народу достойные условия жизни и достойное место в мировом сообществе.

Дорогие друзья!

Мы хорошо понимаем, что в рамках настоящего форума не представляется возможным полностью и в исчерпывающей мере обсудить внесенные на рассмотрение вопросы, охватить все стороны этой многогранной проблемы.

При формировании своей стратегии дальнейшего развития жилищного строительства на селе будет очень полезным и важным для нас услышать пожелания и предложения, высказанные участниками конференции с учетом того ценного опыта, который накоплен в других странах.

Хочу особо подчеркнуть, что Узбекистан заинтересован в расширении сотрудничества со всеми международными организациями и финансовыми институтами, зарубежными банками и компаниями, учеными и экспертами в реализации поставленной задачи – кардинальное преобразование села, дальнейшее последовательное повышение уровня и качества жизни сельского населения, приближение их к стандартам развитых стран.

В вашем лице, уважаемые наши гости и участники международной конференции, мы прежде всего видим людей, искренне заинтересованных в успехе проводимых в Узбекистане реформ и модернизации страны, и, пользуясь этой возможностью, еще раз хотел бы

выразить вам свое огромное уважение и искреннюю признательность.

Желаю всем участникам конференции плодотворной и творческой работы, приятного пребывания на гостеприимной земле Узбекистана, крепкого здоровья и успехов в вашей деятельности.

Благодарю за внимание.

*Расмий нашр*

*Ислом Абдуганиевич Каримов*

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ –  
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ  
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ  
СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ**

**ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ  
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

*Ўзбек ва рус тилларида*

Нашр учун масъуллар: *И. Аҳмедов, Ю. Шопен*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳихлар: *Ш. Арипова, В. Исаева*

Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.09.

Босишга 2013 йил 6 майда рухсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

«Times» гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма табағи 2,5.

Нашр табағи 1,64. Адади 10 000 нусха. Буюртма № 13-62.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)*

*[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*

**К 25 Каримов, Ислом**

Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили: халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ, 2013 йил 17 апрель / Современное жилищное строительство как локомотив комплексного развития и преобразования села, улучшения качества жизни населения: выступление на открытии международной конференции, 17 апреля 2013 года / И.А. Каримов; – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 40 б.

ISBN ISBN 978-9943-01-959-1

УЎК: 323:69(Ўзбекистон 575.1)  
КБК 66.3(5Ў)  
38.711(5Ў)